Қозоғистон Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан, 30 октябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Икки давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов кутиб олди. Шу куни Дўрмон қароргоҳида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ҳар икки мамлакат Давлат мадҳиялари янгради. Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг яккама-якка учрашуви бошланди. Ўзаро мулоқот чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини бундан ҳам кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Шунингдек, суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро сиёсатдаги долзарб муаммолар ҳақида ҳам сўз борди. Президентларнинг яккама-якка учрашуви кечаётган бир пайтда Дўрмон қароргоҳининг мажлислар залида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари ўртасида жиноятчиликка қарши кураш, ишлаб чиқариш борасидаги ҳамкорлик, нефт ва газ қидириш, уларни қайта ишлаш соҳаларида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан Қозоғистон Таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик, Тошкент шаҳри билан Остона шаҳри ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга ҳам имзо чекилди. Қозоғистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА)

Ўзбек олимига Туркия мукофоти

Кеча Тошкентда ўзбек ва турк олимлари иштирокида Туркия жумҳуриятининг 75 йиллигига бағишланган «Отатурк-чилик ва замонавий Туркия» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Туркия жумҳуриятининг тарихи, бугуни ва истиқболи хусусида илмий қарашлар баён этилди.

Ўзбек олими Розия Мукминова туркий халқлар тарихига оид салмоқли илмий ишлари учун Туркиянинг «Лаёқат» мукофоти билан тақдирланди.

Конференцияда иштирок этган Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Умур Апайдин: «Отатуркнинг энг катта ижоди, шубҳасиз, Туркия жумҳуриятидир», — деб айтди.

Салим АШУРОВ

Бу дунёнинг ишлари

Ҳарбий машқлар бошланиш арафасида

Эрон телевидениесининг берган ахборотига кўра, кейинги ҳафтада мамлакатнинг бутун Афғонистон билан чегараси ҳудудларида 200 мингдан кўпроқ ҳарбийлар, техника ва авиация иштирокида кенг миқёсдаги машқлари бошланади. Маълумки, Эрон бу машқларни ўтказишга сентябрь ойидан бери тайёргарлик кўраётган эди. Ушбу ҳудудда кескинликни юмшатиш мақсадида БМТ Бош котиби вакили Брахмининг бу ерга келганлиги ҳам наф бермади.

Ҳукумат сиёсати қораланмоқда

Покистонда «Ислом жамияти» деб юритилувчи диний партия раиси Қози Хусайн Аҳмад журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда Бош вазир Навози Шариф бошлиқ ҳукумат фаолиятини кескин танқид қилди. Унинг айтишича, ҳукумат «барча соҳаларда», шу жумладан Афғонистон масаласида ҳам ўз қобиғига ўралиб қолди. У мамлакатни иқтисодий ночорликдан олиб чиқа олмади. Мамлакат иқтисодий касод бўлиш чегарасида турибди. Қози Аҳмад яқин орада партиянинг ижроия Кенгаши «Ҳукуматга қарши ҳаракат» дастурини ишлаб чиқажаклигини билдирди. Партия раҳнамоси Бош вазирнинг декабрь ойида АҚШга бўладиган ташрифида ядро қуроллари синовини тўхтатиш тўғрисидаги шартномани имзоламасликка даъват этди. «Агар Бош вазир ана шундай ҳужжатни имзолаш учун Вашингтонга борса, яхшиси қайтиб келмасин», — деб кўркитди.

Вазирни тунашди

Буюк Британия ҳукумати аъзоси, Уэльс ишлари вазири Рон Дейвис номаълум сабабга кўра, истеъфо берди. Пичоқ ўқталишиб, тунашгандан сўнг вазир шу қарорга келди.

Унинг Бош вазирга ёзган мактубида қуйидагилар баён этилган: Ўз уйида диққанафас бўлган Рон Дейвис тоза ҳаводан нафас олиш учун Лондоннинг марказидаги уйидан ташқарига чиқиб, сайр қилиб юрганида унинг олдига нотаниш киши келиб суҳбат қуради. Кўп ўтмай ҳукумат аъзоси «суҳбатдоши»нинг таклифига розилик билдиради ва автомашинасини миниб чиқади. Йўл-йўлакай «суҳбатдош»нинг дўстлари — бир эркак ва бир аёлни олишади. Ва бирор ерда «ўтиришмоқчи» бўлади. Аммо «ўтиришгача» улгурушмайди. Автомашина тўхтатилиб, Рон Дейвисга пичоқ ўқташади, бор-йўғини шилиб олишади, ўзини йўл ёқасига тушириб кетишади. У мактубининг сўнггида оиласи ва ҳукумат олдидаги шармандали аҳволидан уялгани туфайли шу қарорга келганлигини ёзади. Бош Вазир афсусланган ҳолда уни истеъфога чиқарди. Роннинг вазифасини Элан Майкл эгаллади.

Жанговар ҳолатда сақланмоқда

Косовода ҳарбий ҳаракатларни ўтказувчи НАТО ҳарбий кучлари жанговар ҳолатда туриши тўғрисида шу ташкилотнинг Доимий кенгаши қарор қабул қилди. Бу ҳақда НАТОнинг Бош котиби Хавьер Солана матбуот конференциясида журналистларга ахборот берди. Ҳарбий операцияларни бошлаш тўғрисида НАТО Кенгаши қарор қабул қилгач, бу Европадаги НАТО бирлашган ҳарбий кучлар Бош қўмондонлигига берилган буйруқ ҳисобланади. Солана Косоводаги аҳвол диққат билан кузатилиб турилганлиги у ерда ҳарбий ҳаракатлар ўтказиш тўғрисидаги битим ўз кучида эканлигини айтди.

Болалар дунёси ҳимояда

Ўтаётган йилда дунёда 130 млн. болалар ўқиш имкониятидан маҳрум бўлдилар, 100 млн. болалар кўчаларда истиқомат қилишади, 1 млн. болалар фоҳишалик билан шуғулланади, 130 млн. болалар аёвсиз эксплуатация қилинади, 13 млн. болалар очликдан ёки енгил-елпи касалликдан нобуд бўлдилар. Ушбу рақамлар Кипр пойтахтида очилган болалар ҳуқуқини ҳимоялашга бағишланган конференциядаги матбуот учун берилган ахборотда тилга олинди. ЮНИСЕФ раҳбарлигида ўтаётган ушбу форум ҳаражатларини Эронлик нефть магнати (эгаси) Хусайн Алихон томонидан тузилган халқаро Марказ ўз зиммасига олган.

Марказ директори таниқли журналист Эрик Руло матбуот конференциясини очар экан, 1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси болалар ҳуқуқини ҳимоялаш бўйича биринчи Конвенцияни қабул қилган эди, деди. Аммо шу халқаро ҳужжатга қўл қўйган кўп мамлакатларда ҳанузгача болалар ҳуқуқларини паймол қилиш давом этмоқда. Руло ушбу анжуманда 30 мамлакатдан 700 дан кўпроқ делегатлар иштирок этишини айтди.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 31 октябрь, шанба • № 130 (24.367).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Қардош халқ байрами

29 октябрь куни Туркияда турк халқининг миллий байрами — Республика эълон қилинганининг 75 йиллиги нишонланди. Ушбу байрам тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Туркиянинг миллий байрами тўғрисида сўз борар экан, ушбу давлат асосчиси, истиқлол йўлидаги моҳир курашчи Мустафо Камол Отатурк номи ёдга тушади.

Байрам тантаналарига ташриф буюрган Президент Ислом Каримов дастлаб Отатуркка бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди. Йиғирмага яқин давлат раҳбарлари, қарийб етмиш мамлакатдан келган ҳукумат делегациялари вакиллари номидан Отатурк қабрига гул қўйиш маросимида иштирок этди. Қабр ёнида бир дақиқа сукут сақланди.

Президентимизнинг Туркияга сафари байрам тадбирлари билан чекланиб қолгани йўқ. Ислом Каримов ва Туркия Миллий байрами тантаналарининг бошқа иштирокчилари мамлакат парламентига ташриф буюрдилар. Бу ерда Каспий денгизи ва Марказий Осиё нефть ва газини жаҳон бозорига етказиб бериш тўғрисидаги Анқара декларацияси имзоланди. Ҳужжатга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Туркия Бош вазири Месут Йилмаз, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ва кузатувчи сифатида АҚШ энергетика вазири Билл Ричардсон имзо чекдилар.

Мазкур ҳужжат иштирокчи давлатларда нефть ва газ заҳираларини ўрганиш, ўзлаштириш ва қазиб олиш ҳажмини ошириш, шунингдек, уларни иқтисодий ҳамда тижорий жиҳатдан асосланган ҳолда ётқизилган қувурлар орқали жаҳон бозорига етказиб беришни таъминлашга қаратилган. Президентлар углеводород хомашёсини экологик тоза усулда, мунтазам равишда ва эркин узатилишини назарда тутувчи Европа Энергетик Хартияси тамойилларига хайрихоҳлик билдирдилар.

Декларацияда Транскаспий ва Транскавказ нефть-газ тизимларини ўз ичига оладиган «Шарқ-Ғарб» энергетика йўлаги муҳим лойиҳа экани қайд этилган. Ҳужжатга имзо чекканлар унинг тижорий жиҳатдан мақбул ҳолда, адолатли тарзда ишлаб чиқилганини таъкидладилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг меҳмонлар Президент С. Демирэлни байрам билан қутладилар. Шу ернинг ўзида Туркия Буюк Миллат Мажлиси раиси Ҳикмат Четин номидан тантана иштирокчилари шарафига қабул маросими уюштирилди.

Туркияга ташриф асносида Ислом Каримов байрам муносабати билан Анқара отчопарида ўтказилган тантанали ҳарбий парадда иштирок этди.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Туркияга ташрифи ниҳоясига етди. 29 октябрь куни давлатимиз раҳбари Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида Президентимизни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Анқара — Тошкент.

***

Суратда: **учрашув пайти.**
Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат

Зиёлилар вакилларининг йиғилиши

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ дилида ва тилида пишиб етилган, ҳаётий мазмунга эга, муҳим ижтимоий воқеликни ўзида мужассамлаштирган Фармони эълон қилинди. Миллий маънавиятимизнинг бир бўлаги бўлган тўйҳашамлар, маърака ва маросимларни ўтказишдаги шуҳратпарастлик, манманлик кайфиятларига берилишнинг, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйишнинг олдини олишга йўналтирувчи ушбу ҳужжатдан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олиш учун пойтахт зиёлиларининг вакиллари кеча Ҳамза номидаги Академик театрга йиғилдилар. Йиғилганлар орасида атоқли шоирлар, ёзувчилар, санъат намояндалари, маданият, маориф, матбаа ходимлари, радио-телевидение, газета-журналларнинг раҳбарлари ва бошқа халқимизга зиё нурини тарқатишга алоқадор ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари бор эди.

Зиёлилар йиғилишини Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов очди. У йиғилганларни Президент Фармонининг моҳияти, унинг республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти, Фармонни халқимиз орасида тарғиб этиш, тушунтириш ишларини олиб боришда маҳаллий жамоат ташкилотлари, бутун зиёлилар олдида турган вазифалар ҳақида қисқача тўхталди.

Йиғилиш иштирокчилари ушбу Фармонда кўтарилган масалалар ва улардан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

— Атоқли ёзувчи Чингиз Айтматовнинг келтирган далилига кўра, 1930 йилларда-ги рўй берган очарчилик туфайли Марказий Осиё республикалари халқларидан 5 миллионга яқин аҳоли нобуд бўлган экан, — деди сўзга чиққан Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов. — Мен ўзим ҳам ўша машъум кунларнинг тирик гувоҳиман. Шу билан бирга ҳозирги ҳур замонамиздаги тўқликни, бағри бутунликни кўтара олмаётган баъзи воқеаларнинг ҳам гувоҳиман. Ҳурматли Президентимизнинг ушбу Фармони шуҳратпараст, дабдабабозликка берилган айрим инсонларни ҳушига келтириб қўйишига шубҳа йўқ.

Ёзувчилар Ўткир Ҳошимов, Пиримқул Қодиров маънавиятимиз, қадимий анъаналаримизга соя солаётган, ҳаётимизда кундан-кунга урчиб бораётган бундай қора кўланкаларга қарши курашиш ўзини зиёли деб билувчи ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини таъкидладилар. Сўзга чиққан Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид Баҳромов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар ҳотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Шуҳрат Жалиловлар ҳам маънавиятимизни турли иллатлардан асраш ва авайлашда зиёлилар олдида турган вазифалар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев иштирок этди.

Юсуф БЕКМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

Бир мавзуга икки хил жавоб

«Бозорқўм ҳақми ё милиция?»

Газетамизнинг 1998 йил 6 октябрь сонида «Бозорқўм ҳақми ё милиция?» (Гумбулоқ машмашаларидан бир лавҳа) сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Ушбу мақола бўйича тегишли мутасадди ташкилотлардан иккита, ажабланарлиси, икки хил мазмунда жавоб хати олдик. Қуйида уларни эътиборингизга таҳрирсиз ҳавола қилмоқчимиз.

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси:

Газетанинг 1998 йил 6 октябрь кунида чоп этилган «Бозоркум хакми ё милиция?» (Гумбулок машмашаларидан бир лавха), маколасини тахририятингиз мухбири Нурбек Хаким угли томонидан журналистик текшируви утказилиб айрим холатлар танкид остига олинган.

Ушбу макола юзасидан ички ишлар ходимлари томонидан суриштирув ишлари олиб бориш натижасида, маколада кайд этилган важлар уз исботини топмаганлиги маълум булди.

Бошкарма бошлиги муовини
ички хизмат генерал-майори
Р. Каримов

Деҳқонобод туман прокуратураси:

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 6 октябрь сонида эълон қилинган «Бозорқўм ҳақми ё милиция?» (Гумбулоқ машмашаларидан бир лавҳа) мақоласи юзасидан Деҳқонобод туман прокуратураси томонидан текшириш ўтказилди. Текшириш натижасига кўра, туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Жўра Изаевга Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тўғрисидаги қонуннинг 29-моддасига кўра огоҳлантириш, бозорқўм Ҳазратов Юсуфга нисбатан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тўғрисидаги қонуннинг 28-моддасига кўра амрнома киритилиб, прокурорлик таъсир чоралари қўлланилганлигини билдирамиз.

Туман прокурори,
адлия маслаҳатчиси
К. АҲМЕДОВ

Таҳририятдан: **Ўйлаймизки, изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Қолаверса, республикамизнинг адолат посбонлари бўлган ҳуқуқ-тартибот органлари юзага келган ўзаро тушунмовчиликларини албатта, ечиб оладилар. Ҳар ҳолда, «Прокурор ҳақми ё милиция?» сарлавҳали мақола ёзилишига ҳожат қолмас. Зеро, барчамизнинг бирдан-бир мақсадимиз — мақола чиқадими-йўқми — мамлакатимизнинг хатто энг чекка бурчагида ҳам ватандошларимиз ҳуқуқлари поймол бўлмаса, ҳукуматимиз қарору фармонлари амалда тўла ишласа, деган холис ниятдир.**

Ўзбекистон ХДПси етти ёшда:

Якун ва истиқболлар

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби

Яқинда Ўзбекистон халқи мамлакатимиз давлат Мустақиллигининг 7 йиллигини тантанали нишонлади. Ушбу даврнинг асосий мазмуни — Ватанимиз фуқароларининг тинч, озод ва фаровон ҳаётини таъминловчи, ривожланган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган, демократик жамиятни шакллантириш томон изчил ҳаракат қилишдан иборат бўлди.

Бозор ислоҳотларини фаол амалга ошириш, мулкчиликнинг янги муносабатларини вужудга келтириш сари қўйилган қатъий қадамлар мамлакатимиз иқтисодиётини янада барқарор ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш учун мустаҳкам пойдевор яратиб беради. Мустақил Ўзбекистон давлатининг юридик, ҳуқуқий асослари жўшқин ривожланмоқда, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришнинг, халқаро андозаларга жавоб берувчи, қонунчилик негизлари такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро обрўси тобора ошиб, унинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш юзасидан ташаббуслари жаҳон ҳамжамиятида тобора кўплаб тарафдорлар топмоқда.

Халқимизнинг донолиги, бағри кенглиги, маънавий сахийлиги туфайли мамлакатда миллатлараро тотувлик ва фуқаролар осойишталиги қарор топди. Президент Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг, «Тафаккур» журналида эълон қилинган, мусоҳабасида таъкидланганидек: ***«Бугун энди ёруғ кунларга етганимиздан ғурурланиб, янги-янги марралар сари қадам қўяётганимиз учун фахрланиб ишлаш ва яшашга асосимиз бор».***

1991 йилнинг 1 ноябрида ташкил топган, мустақиллик фарзанди бўлмиш, бизнинг партия учун ушбу етти йил янги жараёнларни идрок этиш, англаш ва фаол сиёсий куч бўлиб етишиш даври бўлди.

Бугунги кунда барча маъмурий ҳудудларда партия тузилмаларининг барқарор фаолият кўрсатиши таъминланди. Кўпчилик ХДП маҳаллий кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётда фаоллик кўрсатиб, аҳоли ва меҳнат жамоалари билан ўз алоқаларини мустаҳкамлашмоқда. Нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан, кейинги пайтларда ўтказилган, жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари аҳоли турли табақаларининг партиямизга бўлган ижобий муносабатлари тобора ошиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Буни Ўзбекистон ХДП таркибининг сон жиҳатдан барқарор ўсиб бориши ҳам ёрқин намоён этмоқда. Бугун партия сафларида қарийб 500 мингга яқин аъзо бор. Жамият ақл-заковати салоҳиятининг кенг қатламлари вакилларини ўз сафларида бирлаштирган партиямиз барча аъзоларининг салкам ярмини олий маълумотли кишилар ташкил этадилар.

70дан ортиқ миллат вакилларини ўзида жамлаган Ўзбекистон ХДП сафидагиларнинг 30 фоизи аёллар бўлса, уларнинг тенг ярми ишлаб чиқариш соҳасида бандлардир.

Ҳар йили партия сафларига 40 мингга яқин киши кирмоқда. Уларнинг 54 фоизидан кўпроғи, — хизматчилар, 40 фоизи — аёллардир. Шуниси қувонарлики, сафимизга келиб қўшилаётганларнинг қарийб учдан икки қисмини ёшлар ташкил қилмоқда.

Бошланғич партия ташкилотларининг тармоғи кенгайиб, мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Уларнинг умумий сони ҳозирда 14500 тага яқинлашди. Шундан 5000 дан кўпроғи ҳудудий ташкилотлардир. Кўпчилик минтақаларда сайлов участкалари ва округларини ҳудудий партия ташкилотлари билан қамраб олиш масаласи амалда ҳал этилди. Ушбу партия бўғинларида сайловчилар, аҳоли кенг табақалари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш соҳасида, муайян тажриба тўпланди. Бунинг ҳаммаси партиямизнинг келгуси сайловларда муваффақиятли қатнашиши учун яхши заминдир.

Маълумки,1994 йилнинг декабрида, биринчи марта кўппартиялилик асосида, бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон ХДП Олий Мажлисда 69 та ўринни эгаллади ва, бошқа сиёсий партияларга қараганда, энг йирик депутатлар фракция-

(Давоми 2-бетда).

Ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлидан

Туркия халқининг миллий байрами — Республика эълон қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар вақтида Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзе, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг учрашуви бўлди.

Учрашувда Анқара Декларацияси қабул қилинди. Декларация мазкур давлатларда нефть ва газ ресурсларини қидириш ва қазиб чиқаришда, шунингдек, бу ресурсларни кўп сонли қувурлардан фойдаланиб, халқаро бозорга ишончли тарзда етказиш борасида ҳамкорликни кенгайтиришни кўзда тутади.

Президентлар Каспий денгизи минтақасидаги мамлакатлар ва қўшни давлатлар мустақиллиги ҳамда хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида шу мамлакатлар углеводород ресурсларини ўзлаштиришнинг муҳимлигини таъкидладилар. Шунингдек, уларнинг иқтисодий юксалиш ва халқлар фаровонлиги даражасини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, иқтисодий ва тижорий жиҳатдан асосланган кўп сонли қувурлар орқали нефть ва газ ресурслари ташилишини таъминлаш зарурлигини тасдиқладилар. Сўнгра Президентлар Европа Энергетик Хартияси қоидаларига содиқликларини тасдиқладилар, бу хартия углеводород хомашёсининг эркин, барқарор, экологик жиҳатдан хавфсиз ва узлуксиз ташилишини кўзда тутади.

Президентлар углеводород хомашёси ишлаб чиқарувчи мамлакатлар хусусида тижорат жиҳатидан мақбул бўлган ва адолатли равишда, ҳеч бир томонни камситмайдиган асосларда барпо этилган Транскаспий ва Транскавказ нефть-газ тизимларини ўз ичига оладиган «Шарқ-Ғарб» транспорт йўлагини амалга ошириш Каспий денгизи минтақасида ва унга чегарадош мамлакатларда қазиб чиқарилган углеводород ресурсларини жаҳон бозорларига чиқариш ишида жуда муҳим лойиҳа эканлигини таъкидладилар.

Президентлар энергетика ресурсларини халқаро бозорларга етказиб бериш лойиҳаларини амалга оширишга жалб этилган хорижий ва маҳаллий сармоя эгаларини муҳофаза қилиш борасидаги мавжуд халқаро қоидаларга мувофиқ, «Шарқ-Ғарб» энергетика йўлини, шу жумладан, унинг «Боку-Тбилиси-Жейхан» қувури доирасида амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитни жуда тез муддатда барпо этишни ўз мамлакатларининг тегишли органларига топширишга тайёр эканликларини маълум қилдилар. Шунингдек, улар инвесторлар учун қулай шароит яратиш мақсадида, зарур чоралар кўриш хусусида бир фикрга келдилар.

АҚШ энергетика вазири Б. Ричардсон ҳам кузатувчи сифатида Декларацияга имзо чекди.

Ўзбекистон ХДПси етти ёшда:

Якун ва истиқболлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

сини тузди. Кейинчалик, бўшаб қолган сайлов округларида ўтказилган сайловларда партиямиз вакиллари қўшимча яна 4 та депутатлик мандатига эга бўлишди ва бугун ХДП фракциясига, мамлакат парламенти аъзоларидан, 73 киши киради.

Шундай қилиб, партия сайланма органлари ва фаолларининг мақсадли фаолияти натижасида, Ўзбекистон ХДП мамлакатнинг, аҳолини жалб этишга доир аниқ ва жозибали дастурий ҳужжатлар, ўз мафкураси, кўптармоқли ташкилий тузилмаси ҳамда кўпсонли ишчан фаолларга эга бўлган, энг йирик сиёсий партиясига айланди ва шундай бўлиб қолмоқда. Партия ривожланиши жўшқин бўлмоқда, унинг барча бўғинлари ҳақиқий кўппартиялилик шароитида ижтимоий-сиёсий ҳаётда, парламентчилик фаолиятида қатнашишнинг бой тажрибасини тўпладилар.

1994 йилги сайловлардан сўнг ХДП, кўппартиялилик шароитида ҳаракат қилувчи ташкилот сифатида, парламент партияси мақомига аниқ эга бўлди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон олдида турган долзарб муаммоларни ҳал этишга доир ўз нуқтаи-назари, қарашларини, Олий Мажлисдаги расмий фракция, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги гуруҳлар орқали, шакллантириш ва ҳимоя қилиш партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишнинг асосий йўли бўлиб қолди.

Мамлакатдаги давлат ҳокимияти олий қонун чиқарувчи органидаги ХДП фракцияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунияратувчилик ишида фаол қатнашиб келмоқдалар. Сайловлардан сўнг ўтган давр ичида улар 100 дан ортиқ қонун ва 400 дан зиёд бошқа ҳужжатларни, муҳокама этиш, қабул қилишда бевосита иштирок этдилар.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига барча сайланганларнинг салкам ярмини ташкил этган партия вакиллари минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда фаол қатнашмоқдалар. Жойлардаги партия ташкилотлари билан биргаликда, улар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, тегишли инфратузилмаларни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган аҳоли табақа ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш каби масалаларни ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Сайлов округларида иш олиб боришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу иш, ХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари орқали, доимий асосда амалга оширилмоқда. Улар партиядан сайланган барча даражадаги депутатларни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, уларнинг депутатлик ваколатларини амалга оширишда вакилларимизга ёрдам бермоқдалар.

Парламентчилик фаолияти партия ва унинг ташкилотларида ислоҳотлар сиёсатининг асосий масалалари бўйича ўзининг фаол ёндашувлари бўлишлигини нафақат истисно этмайди, балки, уларни амалга оширишда партия барча бўғинларининг бевосита иштирок этишларини ҳам назарда тутади.

Партия ташкилотлари аҳоли ўртасида олиб бораётган ишларининг устувор вазифаси — ХДПнинг дастурий мақсадлари, сиёсий манфаатларига тўлиқ ҳамоҳанг бўлган, Республика Президенти И. А. Каримовнинг халққа маъқул тушган, стратегик йўлини ижтимоий-сиёсий таянчи бўлиб хизмат қилишдан иборат.

Ушбу иш жараёнида ХДП ташкилотларининг асосий эътибори одамларда ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига, мулкчиликнинг янги шаклларига нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришга қаратилмоқда.

Аҳолининг турли ижтимоий табақаларини мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий пойдеворини шакллантириш ва мустаҳкамлашда фаол, онгли равишда қатнашиш руҳида тарбиялаш, ҳар бир кишининг фаровонлиги, турмуш даражаси, охир-оқибатда, мамлакат олдида турган вазифаларнинг ҳал этилишига унинг қўшган шахсий ҳиссасига бевосита боғлиқ эканлиги тўғрисидаги ҳақиқатни тушунтириш бўйича мунтазам иш олиб борилмоқда.

Кўпчилик партия ташкилотлари, 1998 йилни мамлакат йўлбошчисининг ташаббусига мувофиқ, Оила йили, деб эълон қилинганлиги муносабати билан қабул қилинган умумдавлат дастури доирасида, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўйича, амалий чораларни кўришда бевосита иштирок этмоқдалар. Ушбу ишда корхона, хўжалик ва ташкилотларнинг раҳбарлари, тижоратчилар, ишбилармонларни фаол қатнашишга ундамоқдалар.

Партия ташкил бўлгандан буён Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадларини тарғиб қилишга, мафкуравий ишга, аҳолининг турли табақаларида унинг таъсирини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда.

Партия барча бўғинларида мустақилликнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ХДПнинг Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган амалий ишларга муҳим эътибор берилмоқда.

Партия Марказий Кенгаши, фаоллар, меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат жойларида тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида, МК аъзолари, тарғибот гуруҳларини жойларга мунтазам юбормоқда. ХДП дастурини қўллаб-қувватловчи ижодкорлар, зиёлилар, Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари билан яқиндан алоқа ўрнатилди ва бу алоқалар йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Кўпгина таниқли фан ва маданият арбоблари маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларида иштирок этиш тўғрисидаги мурожаатимизга «лаббай», деб жавоб бермоқдалар.

ХДП Марказий Кенгаши қошида, партия кадрлари ва фаоллари учун, илмий-назарий семинар фаолият кўрсатмоқда. Шунга ўхшаш семинар ва сиёсий клублар вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари қошида ҳам тузилган. Маҳаллий партия кенгашларининг мақсадли саъй-ҳаракатлари туфайли жойларда «Маърифат» марказлари самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Халқ демократик партиясининг дастурий ғояларини кенг оммага етказишда, унинг сиёсати ва амалий фаолиятини тушунтириб боришда партия матбуотининг ўз ўрни бор.

Бу, авваламбор, — Марказий Кенгашнинг «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журнали, Қорақалпоғистон республика партия кенгашининг «Қорақалпоғистон, хаўази», Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари партия кенгашларининг «Истиқлол сари», «Халқ иродаси», «Регистон», «Халқ йўли» нашрларидир. Кўплаб маҳаллий партия кенгашлари вилоят, шаҳар ва туман газеталарининг ҳаммуассисларидирлар ёки улар билан иш юзасидан ҳамкорлик қиладилар.

Партия фаолият кўрсатаётган давр мобайнида унинг халқаро алоқалари тобора кенгаймоқда.

Ўзбекистон ХДП халқаро фаолиятининг асосий тамойили — унинг демократик йўналишдаги чет эл сиёсий партиялари ва жамоат ҳаракатлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш ва ҳамкорлик қилиш учун очиқлигидадир. Партия Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг бошқа аъзолари билан самимий, яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга, ўзаро фойдали иқтисодий муносабатлар, илмий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга, дунёда Ўзбекистоннинг обрўсини кўтаришга кўмаклашишга катта эътибор бермоқда.

Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадлари ва нуқтаи-назаридан унинг социал-демократик йўналишдаги партиялар билан алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришга фаол интилиши келиб чиқади. ХДП ва Германиянинг Социал-демократик партияси, Франция социалистик партияси, Ҳиндистон Миллий Конгресс (И) партияси, Хитой, Вьетнамнинг идора этувчи партиялари ва бошқалар билан ўзаро, партия делегациялари ҳамда ахборотлар алмашиб туриш даражасидаги, икки томонлама алоқалари изчиллик билан ривожланиб бормоқда. Партиянинг Социалистик Интернационалга кузатувчи сифатида кириш масаласи кўриб чиқилмоқда. Бунга ушбу нуфузли халқаро социал-демократик ташкилотнинг тегишли розилиги олинган.

Хорижий мамлакатларнинг сиёсий доиралари томонидан Ўзбекистон ХДПга қизиқишнинг ўсиб бораётганлигини ҳам таъкидлаб ўтмаса бўлмайди. Сўнгги йилларнинг ўзида Марказий Кенгашда 100 дан ортиқ чет эл делегациялари ва хорижий меҳмонлар қабул қилинди. ХДП вакиллари БМТ, ЕХҲТ, бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонларидан ўтказилаётган анжуман ҳамда «давра» суҳбатларида мунтазам иштирок этмоқда.

Таъсис қурултойидан бошлаб, ички партиявий ҳаёт ўзининг муайян фаоллиги ва бой мазмуни билан намоён бўлмоқда.

Марказий Кенгаш, маҳаллий партия кенгашлари пленумлари мунтазам равишда ўтказилмоқда. Марказий Кенгашнинг Сиёсий ижроия қўмитаси ва Котибияти фаол ҳамда аҳил ишламоқдалар.

Республиканинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги долзарб масалалар партия сайланма органларининг доимий диққат-эътиборидадир. Улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар бошланғич партия ташкилотларининг мустақиллигини нафақат инкор этмайди, балки, уларга жорий вазиятдаги масалаларни яхши тушунишга имкон беради, барча партия аъзоларининг ишида керакли батартиблик ва ҳамжиҳатликни таъминлайди.

Партиянинг барча аъзоларини, яъни дастурий мақсадларимизни нафақат қўллаб-қувватловчи, айни пайтда, ХДП сафларига кириб, онгли равишда ўз сиёсий йўлини танлаган ва унинг ҳаёти ҳамда кўпқиррали ижтимоий-сиёсий ишларининг фаол қатнашчиларига айланган кишиларни унинг «бебаҳо бойлиги» деб, атаса бўлади. Партиянинг оёққа туриши ва ривожланишига унинг фаоллари, бошланғич ташкилотлари котиблари, МК, вилоят, шаҳар, туман кенгашлари аъзолари катта ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, Ўзбекистон ХДПдан сайланган Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари ўз ташаббускорликлари, амалий ишлари билан энг фаол партия аъзолари қаторида тилга олинишга лойиқдирлар.

Шундай қилиб, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзи ташкил топган кунинг етти йиллигига, ғоявий ва ташкилий жиҳатдан, кучга тўлган ҳолда етиб келди. Унинг барча бўғинлари сиёсий ишда анча тажриба орттирдилар, меҳнат жамоалари ва аҳоли билан алоқаларини мустаҳкамладилар. Олға силжиш, мустақил Ўзбекистон халқининг фаровонлигини таъминлаш йўлида барча партия аъзоларининг самарали фаолияти учун яхши замин яратилди.

ХДП хабарлари

Партия кадрларига эътибор

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибиятининг 1998 йил 29 октябрь куни бўлиб ўтган мажлисида Жиззах вилоят партия кенгашининг партия кадрларини танлаш, тарбиялаш, уларнинг касб маҳоратини ошириш ва ижтимоий ҳимоялаш бўйича олиб борилаётган ишлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Мажлисда мазкур кенгаш биринчи котиби И. Умурзоқовнинг шу масала юзасидан ахбороти тингланди. Вилоятда таркиб топган партия кадрлари билан ишлаш тизимида ХДП маҳаллий кенгашларида хизмат қилаётган масъул ходимларнинг малакасини оширишда, сиёсий ўқув, илмий-назарий ва илмий-амалий семинарлар, котиблар соати, тажриба алмашувлар, шаҳодатлаш каби қўплаб шакл ва усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Бунда ХДП кенгашлари қошида ташкил этилган «Маърифат» марказлари ҳам қўл келмоқда.

Марказий Кенгаш Котибиятининг ушбу масала юзасидан қабул қилган қарорида, ХДП Жиззах вилоят кенгашининг партия раҳбар ходимларни танлаш, тарбиялаш, ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда кадрларнинг ишончли заҳирасини тайёрлаш борасидаги ижобий ишлар қайд этилиб, ушбу соҳадаги мавжуд бўлган камчилик ва нуқсонлар кўрсатилди ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар берилди.

Котибият мажлисида Ўзбекистон ХДП МК «Эҳтиром китоби»га партия фаолларидан бир гуруҳининг номини киритиш тўғрисида ва, шунингдек, партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

❖

Партия фаоллари тақдирландилар

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси, аньанага мувофиқ, партия ташкил топган кунинг етти йиллиги арафасида, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг гуллаб-яшнаши йўлидаги самарали меҳнати, партия дастурий мақсадларини амалга оширишдаги ҳизматлари ҳамда жамоат ишларидаги самарали иштироки учун, бир гуруҳ фаолларни ***Марказий Кенгашнинг Фахрий Ёрлиғи*** *билан мукофотлади. Мукофотланганлар орасида ишлаб чиқариш жабҳасида меҳнат қилаётганлар, тажрибали тарғиботчилар, ХДПдан сайланган депутатлар, ташаббускор партия ходимлари бор.*

Шунингдек, МК Котибияти қарори билан партиянинг обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўшаётган қуйидаги фаолларнинг номи ***Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг «Эҳтиром китоби»****га киритилди:*

Бурҳонов Умархон Хўжаевич — Ўзбекистон ХДП Тўрақўрғон туман кенгаши биринчи котиби, Наманган вилояти.

Дурдиев Дадебай Аманович — Ўзбекистон ХДП Тахиатош шаҳар кенгаши котиби, Қорақалпоғистон Республикаси.

Йўлдошев Омонжон — Денов тумани ҳокимлиги халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари, бошланғич партия ташкилоти котиби, Сурхондарё вилояти.

Каримов Шавкат Иброҳимович — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири.

Каримов Элбек Жабборович — Ўзбекистон ХДП Миробод туман кенгаши аъзоси, тарғиботчилар гуруҳи раҳбари, Тошкент шаҳри.

Мамедов Салоҳиддин Алиевич — Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши Мафкуравий ишлар бўлими мудири, Бухоро вилояти.

Мирҳамзаев Мирмуҳсин Мирфайзиевич — «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ҳиссадорлик компанияси Фарғона бўлими бошлиғи, Олий Мажлис депутати, Фарғона вилояти.

Нормуродов Ҳасан Норбекович — Самарқанд вилояти Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси, Самарқанд вилояти.

Омонов Фармон — Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби, МК Сиёсий ижроқўми аъзоси, Олий Мажлис депутати, Қашқадарё вилояти.

Рўзиқулов Ўктам Яндашевич — «Қизилқумцемент» корхонаси бош директори, Олий Мажлис депутати, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси, Навоий вилояти.

Сатторов Низом Аъзамович — Гулистон тиббиёт билим юрти ўқитувчиси, бошланғич партия ташкилоти котиби, Сирдарё вилояти.

Сорокин Борис Алексеевич — Зангиота тумани «Ускунакурувчи» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси, Тошкент вилояти.

Темиров Бурҳон — Ўзбекистон ХДП Ғаллаорол туман кенгаши биринчи котиби, Жиззах вилояти.

Худойберганов Мадраҳим — Боғот туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Хоразм вилояти.

Чориқулов Шодмонқул — Усмон Юсупов туманидаги «Миришкор» пайчилик жамияти бошқаруви раиси, туман партия кенгаши аъзоси, Қашқадарё вилояти.

Ҳасанов Шавкат Ҳасанович — Андижон «Тожметал» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси, шаҳар партия кенгаши аъзоси, Андижон вилояти.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

* * *

Ўзбекистон ХДПнинг барча аъзолари ва унга хайрихоҳ дўстларимизни партиямизнинг етти йиллиги, тақдирланган фаолларни эса, мукофотлар билан табриклаймиз ва ҳаммаларига Ватанимиз равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларида омад тилаймиз.

«Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти

Ислоҳот ва масъулият

Ўзбекнинг нони бутун

Самарқанд вилояти дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик уюшмаси раиси Ҳамроқул Бердимуродов билан қисқа мулоқот

— Ғалла мавсуми якунланганига ҳам анча бўлди. Ўтган даврда бу борада қилинган ишларни сарҳисоб қилиш имконияти пайдо бўлди.

— Вилоятимиз бўйича 1998 йилда 93.000 гектар суғориладиган, 74.000 гектар лалми майдонларга ғалла экилган эди. Андижон вилоятидан келтирилган «Скифянка» уруғлик дони айниқса яхши ҳосил берди. Бу йил вилоят йиллик режаси 106,9 фоизга ошириб бажарилди.

Келгуси йил ҳосили учун уруғликни тўлиғича ўзимизда етиштирдик. Масалан, Пайариқ, Тойлоқ туманларининг айрим хўжаликларида 16.000 тонна маҳаллий дон-ғалла уруғлари етиштирилди. Шу мақсадда Ўзбекистон-Ирландия қўшма корхонаси ва маҳаллий дон маҳсулоти ҳиссадорлик уюшмаси шартнома асосида иш олиб борди.

Маҳаллий уруғ етиштириш учун буғдойнинг «Улуғбек-600», арпанинг «Шердор», «Темур» навларини танлаган эдик. Шунингдек, Нуробод туманининг «Улус», «Жом», «Каттақўрғон», Пайариқ туманининг «Халқабод» жамоа хўжаликлари лалмикор майдонларида ҳам 9000 тонна маҳаллий уруғ етиштирилди.

— Вилоятда 1998 йилдан 2000 йилгача маҳаллий-дон уруғларини етиштириш учун замин яратилган, деб ўйлайсизми?

— Ғалла мустақиллигига эришиш учун босқичма-босқич олиб борилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бера бошлади дейиш мумкин. Мана 1998 йил ҳосили учун хўжаликлар билан тузилган «Дон маҳсулотларини эркин нархларда харид қилиш бўйича контрактация шартномалари»га асосан хўжаликларга 3 марта 40 фоиз бўнак (аванс) берилди. Бу маблағ униб чиққан майсаларни ўғитлаш, ишчи ходимларга ўз вақтида ойлик маош бериш ва янги ҳосилни йиғиб олиш учун сарфланади.

Ўткир ПЎЛАТОВ суҳбатлашди.

Шу кунларда Музробод туманидаги «Бешқўтон» жамоа хўжалиги шоликорлари ҳосилни ўриб-йиғиб олишда пешқадамлик қилишяпти. Жорий йилда жамоа деҳқонлари 2400 гектар майдонга шоли экиб, ҳар бир гектар ердан кўтарилган ҳосил 45 центнерни ташкил этмоқда. Ушбу хўжалик жамоаси мавсумда 11 минг тонна шолини ўриб олиш учун ғайрат кўрсатишяпти. Ҳосилнинг 5700 тоннасини давлатга сотиш мўлжалланган.

Айни пайтда хўжалик далаларида 30 та «Кейс» ва 10 та «Енисей» комбайнлари ишламоқда. Шу кунгача хирмонга 5000 тонна шоли ҳосили келтирилди. Хўжаликда биринчилардан бўлиб, ўз режасини бажарган Эгамберди Муҳаммадиев бошлиқ оилавий звено аъзолари гектаридан 55 центнердан ҳосил уйиб, 250 тонна шоли топширди.

СУРАТДА: **звено қизлари Гулхан Норқулова, Озода ва Муҳаббат Муҳаммадиева ҳамда Маҳбуба Саодатова.**

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Тома-тома кўл бўлар

Пахта—98

ЖОМБОЙ. Туман миришкорлари давлат хирмонига топширган хомашё 15 минг тоннадан ошди. «Ўзбекистон», «Ҳақиқат» ва бошқа жамоа хўжаликларида ҳосилдорлик 35-45 центнерга етди. Жомбойликлар яна 2 минг тонна пахта топширишмоқчи.

ҚАМАШИ. Вилоятда биринчилар қатори режани уддалаган туман миришкорлари бугунгача 30 минг тонналик хирмон уйдилар. Бу ютуқда «Тўқбой», «Чим», «Қоратепа», «Оқработ», «Қорабоғ» хўжаликларнинг ҳиссаси катта.

БЎЗАТОВ. Қорақалпоғистоннинг бу тумани деҳқонлари ҳам маррага етишди. Улар қабул пунктларига минг тонна хомашё етказиб бердилар.

КАСБИ. Давлатга топширилган 58,5 минг тонна ҳосилнинг 14 минг тоннаси машиналарда терилди. Насафий, Улуғбек, Шароф Рашидов номли хўжаликларда ҳосилдорлик 35-37 центнерни ташкил этди. Касбиликлар яна 2 минг тонна пахта етказиб беришмоқчи.

(Ўз мухбирларимиздан)

Қўлдан берганга қуш тўймас

Луқма

Экологик вазиятнинг ёмонлиги ҳамда табиатга етказилган зиён туфайли Навоий туманининг аксарият ҳудудлари аҳолиси қийналмоқда. Бунга мисол қилиб Қодир Раҳимов, Ибн Сино номли, «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларидаги Айрончи, Уйрот, Урганжи, Янгиобод, Туркман, Дўрмон қишлоқларини кўрсатиш мумкин. Мазкур қишлоқлар аҳолиси «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, ГРЭС, «Электрокимё», «Машинасозлик», цемент заводларидан чиқадиган турли заҳарли газ, чанг ва чиқитлардан азият чекмоқдалар. Энди бунга тоза ичимлик сув ниҳоятда танқислиги ҳам қўшилди.

Ибн Сино номли жамоа хўжалигида аҳвол янада ташвишли. Хўжалик қишлоқларида ҳам ичимлик сув муаммога айланган. Оила йилида эса бу масала баттар чигаллашди. Чунки, қатор йиллар давомида «Электрокимё» заводига қарашли сув қувурларидан обиҳаёт олиб турган аҳоли май ойидан бошлаб бутунлай сувсиз қолди. Бунга истеъмолчилар сув ҳақини вақтида тўламагани рўкач қилинмоқда. Сансоларлик туфайли қувурлар кесиб ташланди. Сувга ташналик янада кучайди. Бу эса эътироз ва шикоятларга сабаб бўлди. Мана қарийб 5 ойдирки, уйротликларга сув машиналарда ташилмоқда.

Қўлдан берганга қуш тўймас, дейишади. Пахта йиғим-терими бўлса, ҳориб қайтган меҳнаткаш қачонгача челак кўтариб сув машинасини кутаркин!?

Музаффар ШАРОПОВ «Ўзбекистон овози» мухбири

Эфирдаги кўрсатувлар

ДУШАНБА 2

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Ер васфи». М. Иброҳимов.
9.30 «Жаҳон спорти».
9.40 «Олтин тож». Телеўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Муҳаббат можароси». Бадиий фильм.
12.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
12.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси мақомчилар ансамблининг концерти.
12.55 «Оила» тележурнали.
13.20 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
14.10—14.30 «Табиат алифбоси».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ов». Мультфильм.
18.20 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
18.45 «Олам ва одам».
19.00 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Қоракўм йўлбарси». 1-қисм.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Биржа ва банк ҳабарлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисод ва биз».
21.30 «Янграсин шўх яллалар». Мусиқий дастур.
22.00 «Сиёсат оламида».
22.25 «Маънавият» дастури.
23.15 Ч. Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган «Олапар». Видеофильм премьераси. 1-қисм.
23.55 «Ахборот».
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Ким эпчил-у, ким чаққон?» Мультфомоша).
18.35 «Ақл ёшдамас».
18.50 «Ёшлар куйлаганда».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Нигоҳ». ТВ ва ёшлар.
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла).
20.35 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.55 Эгиз қўшиқлар.
21.15 «Маслаҳат». Ёш келин-куёвлар ҳаётидан.
21.35 Араб эстрадаси.
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий клип-антракт.
